

## **ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ПИШИТИЛГАН ИПЛАРНИНГ УЛУШИ**

к.и.х.и. З.Э. Эркинов, магистрант М. Чориев, доц. Ш.Р. Файзуллаев

Жаҳон бозорида юқори даражадаги рақобатга дош бера оладиган ва келгуси даврда мамлакатимизда иқтисодий ўсишни, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишни локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқларни жадал ривожлантириш ва аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш лозим. Юқори сифатли табиий ва кимёвий толалардан тўқимачилик, трикотаж мато ва маҳсулотлари, кундалик ва техник мақсадлардаги маҳсулотлар тайёрлаш инновацион технологияларни жорий этиш билан боғлиқ.

Тўқимачилик саноати буюмлари якка ва пишитилган иплардан тайёрланади. Сифатли якка ва пишитилган ипларни тайёрлашда табиий ва кимёвий толалар асосий хом ашё ҳисобланади. Якка ва пишитилган ипларнинг сифати, пишиқлиги, уларни ташкил этадиган толаларнинг физик-механик ва кимёвий хоссалари билан узвий боғлиқ бўлиб, улар хоссалари жиҳатидан бир-бирига мутаносиб бўлиши зарур.

Пишитилган иплар физик - механик хосса кўрсаткичлари бўйича якка ипларга нисбатан анча юқори кўрсаткичларга эга бўлиш билан бирга турли ўрилишдаги замонавий кимматбаҳо матоларда ҳар хил ташқи эффектларни намоён эта олади.

Бир хил чизикли зичликдаги икки ва ундан ортиқ якка ипларни ўзаро қўшиб, уларга бурам бериш натижасида пишитилган ип ҳосил қилинади. Пишитилганда ип белгиланган кўрсаткичларга эга бўлиб, барча истеъмол хоссалари ҳам яхшиланади. Ипларни пишитишдан кўзланган мақсад, ип маҳсулотларининг белгиланган хоссаларга эгаллигини, жилодор ташқи кўринишини ва маълум барқарор структурага эга бўлишни таъминлашдир. Ипларни пишитишнинг моҳияти, бир неча ипларни қўшиб барқарор структура ва хоссаларга эга бўлган ип яратишдир.

Якка ипларни қўшиб пишитилганда қуйидаги ижобий кўрсаткичларга эришиш мумкин:

ипни узилиш кучи, равонлиги, чўзилувчанлиги, ишқаланишга, эгилиш ва букилишга чидамлилигини, қайишқоқлиги ва мувозанатлилигини оширишга;

пишитилган жилодор шаклдор иплар олишга;

турли чизикли зичликдаги ипларни қўшиб пишитилганда креп тусидаги жилодор ип ҳосил бўлиб ундан жилодор мато олишга;

турли рангдаги ипларни қўшиб пишитилганида ранг-баранг товланувчи ип олишга (бўяш усули билан бундай жилодорликка эришиб бўлмайди);

химиявий иплардан фойдаланиб, аввалдан белгиланган хоссаларга эга бўлган пишитилган иплар хилини кўпайтиришга;

химиявий ипларга қўшимча бурам бериш ва х.к.

Пишитилган иплардан турли мақсадлар ва соҳаларда ишлатиладиган кенг ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Қуйида пишитилган иплардан тайёрланадиган тайёр маҳсулотларнинг бир қисми келтирилган. Уларни ишлатилишига қараб беш гуруҳга бўлиш мумкин [2]. Энг катта гуруҳ-газламалар гуруҳи бўлиб, унда кўйлақбоп, костюмбоп матолар, техник матолар, мебелбоп матолар ва креп матолар ўрин олади.

Пишитилган иплар кўйлақбоп шотландка, шерстянка, роготка, зефир, маркизет, поплин, костюмбоп матолар - диагональ, репс, трико, габардин каби матолар олишда танда ва арқоқ сифатида фойдаланилади. Техник матолар ҳисобланган кирза, белтинг, палатка, саржа, сетка, тукли матолар - полубархат, вельвет-плюш, вельвет-корд, замша, мебелбоп - репс, шагренъ, чехол матоларини ишлаб чиқаришда қўлланилади. Табиий ва сунъий ипакдан тайёрланадиган хилма-хил креп матолари – креп, крепдешин, креп-жоржет, москреп, муслин шунингдек, шаклдор ипларда кенг қўламда ишлатилади. Тўқима маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур иплар туркумида пишитилган ипларнинг ўрни

сезиларли даражада катта. Уларнинг улуши ип газламалар учун 50%гача ташкил этади. Олиб борилган тадқиқотлар ва изланишлар Республикада ушбу турдаги ипларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Иккинчи гуруҳ пишитилган иплардан трикотаж мато ва трикотаж маҳсулотлари, учинчи гуруҳ техник, корд, велотред, чефер, автоканвас ва ҳ.к. иплари ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Пишитилган иплардан кенг тарқалган тикувчилик ипларини олиш тўртинчи гуруҳга тегишли бўлиб, бешинчи гуруҳдан тўрлаб тикиладиган иплар жой олган.

Ишлатилиш мақсадига кўра, пишитилган ип маҳсулотлари учта синфга бўлинади: тикув, боғич ва арқон маҳсулотлари.

Ҳар бир синф маҳсулотлари ўз ичида гуруҳланади. Тикув иплари: тикувчиликда, пойафзал ва чарм маҳсулотлари тикишда, попопчиликда, химояловчи (изоляция) ипак маҳсулотларида, жарроҳлик амалиётларида қўлланиладиган гуруҳларга бўлинади. Боғичли синфидаги маҳсулотлар: парашютлар тайёрлашда; мебель ва кийимларни безаклари ва илгакларини тайёрлашда; боғич-арқонлар эса техник мақсадларда ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилади. Арқон маҳсулотлари гуруҳига кирувчи: шпагат (каноп ип) савдо соҳасида турли маҳсулотларни қадоқлашда; пишитилган шпагат (отбойка) юмшоқ мебеллар тайёрлашда – пружинали матрацлар тайёрлашда; арқон ва йўғон арқон (канат)лар балиқчилик, денгиз флоти, юк кўтаргичлар, сол қилиб ёғоч оқизишда, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.ларда фойдаланилади.

Корд иплари асосан автомобиль покришқаларини ишлаб чиқаришда ишлатилади. Корд иплари жуда пишиқ бўлиши, кам чўзилиши, чизикли зичлиги бўйича нотекислиги 4,5%дан кўп бўлмаслиги, иссиққа чидамли, жуда зич бўлиши керак. Бундай ипларни фақат қайта тараши йиғирув системасини қўллабгина ингичка толали пахталардан йиғириб олиш мумкин.

Тикувчилик иплари энг кўп ишлатиладиган иплар сарасига киради. Тикувчилик иплари бир ва икки қайта пишитиб олинади. Бир қайта пишитишда 3 та ип ўзаро қўшиб пишитиб олинади. Икки қайта пишитишда эса 6, 9, 12 та ип ўзаро қўшиб пишитилади.

Стандартларда ипларнинг белгиланган пишитилиш даражалари биров эскирган кўринади, чунки уларда толаларнинг комплекс хоссалари ҳисобга олинмаган. Якка ва пишитилган ипларни пишитилиш даражаларини тўғри танланганда уларни мавжуд хоссаларини сақлабгина қолмай, уларга қатор янги хоссаларни ҳам баҳш этилади.

Юқорида келтирилган фикрларга кўра, хулоса қилиб айтиш мумкин-ки, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда пишитилган иплардан фойдаланиш улуши жуда катта. Шу сабабли тўқимачиликда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт улушини ошириш мақсадида, тўқимачилик корхоналарида пишитилган иплар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратиш лозим.

